



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (12.273)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2012 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якулиларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда республикани ривожлантиришнинг белгилаб берилган макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция жараёнларини тубдан кенгайтириш, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини, ҳаёт ва турмуш даражасини ошириш ҳисобига ўстириш бўйича ишларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Ривожланишнинг эволюцион йўлига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ҳаммага маълум бўлган беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг мамлакатда танланган моделининг изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши туфайли фақат Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқироз ҳодисаларининг салбий таъсирига ишончли равишда қарши турибгина қолмай, балки макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида янги ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизга ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7,1 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 9,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 12,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,8 фоизга ўсди. Давлат бюджети янги ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,4 фоизга кўпайди.

Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 18,4 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этишга қўмақлашди. Ушбу соҳанинг мамлакат янги ички маҳсулотидagi улуши 51 фоизгача кўпайди.

Мажлис кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида саноатдаги таркибий ўзгартиришлар жараёнларини чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг натижадорлигини атрофлича таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича қабул қилинган комплекс дастурларнинг тизимли амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг юқори суръатлари таъминланмоқда. Истеъмол товарлари

ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 фоизга кўпайди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 25,2 фоизга ўсди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 957 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 6,2 триллион сўмликни ташкил қилди, улардан қарийб 840 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Ҳокимликлар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг мавжуд заҳираларини сафарбар этиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида белгилаб берилган талабларга мувофиқ ишлаётган қувватлардан ва янги барпо этилган ишлаб чиқаришлардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари зиммасига 2012 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрларини сўзсиз таъминлашга ва кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юкланди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар раҳбарларининг эътибори 2013 йилнинг прогноз қилинаётган ишлаб чиқариш ҳажмлари учун VI Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси, шунингдек, тармоқ ярмаркаларида буюртмалар портфелининг ўз вақтида шакллантирилиши, талаб қилинадиган хомашё ва материаллар сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлис қатнашчилари томонидан 2012 йилги Инвестиция дастури бажарилишини ҳар томонлама ва баътафсил муҳокама қилишга ҳамда ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қўламларини кенгайтиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишига жиддий эътибор қаратилди. Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 9,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 9,6 фоизга кўпайиши таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди. 882 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, 106 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида бир қанча компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар раҳбарлари фаолияти айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар учун танқид қилинди, улар олдида ушбу камчиликларни бартараф этиш ва амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугун Ўзбекистонда қўлай инвестиция муҳити, самарали имтиёзлар ва преференциялар тизими яратилган. Мамлакатимизда халқаро инвестиция ҳуқуқи, жумладан, хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, инвесторларга муайян преференциялар бериш тўғрисидаги қондалар ва бошқа жиҳатларни ўзидa мужассам этган илгор инвестиция қонунчилиги амал қилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг жорий йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда энгил саноати иқтисодиётимизнинг инвестиция жалб этиш жиҳатидан энг жозибадор тармоқларидан ҳисобланади. Кўп соҳаларни ўз ичига олган мазкур муҳим тармоқ ҳудудларни мувозанатли тараққий эттириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қўмақлашмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Илҳом Ҳайдаровнинг айтишича, пахта толасини қайта ишлаш соҳасида кўп асрлик анъаналарга эга тўқимачилик саноати бугунги кунда мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексидa муҳим ўрин тутadi. Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарасида Ўзбекистонда энгил саноат корхоналари жадал ривожланмоқда. Бу

борада хомашё ва меҳнат ресурслари, муҳандислик, транспорт, банк инфратузилмасининг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Натижада бугунги кунда мамлакатимиз янги ички маҳсулотидa энгил саноатнинг улуши 2,7 фоизни, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 фоизни, ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда 44 фоизни ташкил этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бу соҳада 2200 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг уздан ортиги Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ, Ҳиндистон, Сингапур каби етакчи мамлакатларнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил қилинган. Энди бу корхоналар қаторига яна бир янги – «Pleter Uzbekistan» хорижий корхонаси ҳам қўшилди. Пойтахтимизда ушбу йирик тўқимачилик машинасозлиги корхонасининг очилиши Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2011 йил 21 февралда имзоланган «Замонавий тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридa белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилаётганига ёрқин мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 октябрь куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф қилган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшилланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасининг мақсади – мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада маълум шарт-шароитлар яратишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Маъмулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига тузатишлар киритилмоқда. Хусусан, рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бошлаш соҳасида ҳўжалик юритувчи субъектлар (кредит ташкилотлари бундан мустасно) уставка фонднинг бир қисmini давлат рўйхатидан ўтказилишига қадар ўтлаш лозимлиги тўғрисидаги талаб бекор қилинмоқда. Бунда уставка фондни бир йил ичидa шакллантириш мажбурияти сақлаб қолинади. Шартномавий муносабатлар ва шартнома талаблари бажарилиши учун жавобгарлик соҳасида акциядорлик жамиятларининг манфаатдорлик битимлари тўғрисидаги ва бошқа муҳим аҳборотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий сайтида жойлаштириш орқали чоп этиш назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мамлакатимиз пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар – 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб олинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тегшли идора ва ташкилотлар, нашриёт-матбаачилик корхоналари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ижроси муҳокама этилди.

• Андижон давлат университети олимларининг самарали изланишлари натижасида янги тежамкор қурилма яратилди. Фотоэлектрик энергия олиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур мосламага аъъанавий аналогларга нисбатан деярли уч баробар кам миқдордаги кремний сарфланади. Янги қурилма кичик қувватли электрон маиший жиҳозлар, ўйинчоқлар ва шу каби воситаларнинг ҳозиргача импорт қилинаётган фотоэлектрик энергия манбалари эҳтиёжини қоплаш имконини беради.

ЖАҲОНДА

• Намибияда тўрт юз йилга етадиган ичимлик суви манбаи аниқланди. Хабарларга қараганда, ушбу сув манбаининг чуқурлиги 200 метрга тенг, унинг майдони 2600 квадрат километрни ташкил қилади. Экспертларнинг таъкидлашича, Африка қитъасида жойлашган мазкур мамлакат аҳолиси кўп йиллардан буён ичимлик суви танқислигидан азият чекади. Қурғоқчилик ҳуқумрон ушбу ҳудудда топишган улкан сув манбаи Намибияда катта воқеага айланди.

• Англия шарқий ҳудудида рўй берган ёнгин оқибатида тўрт одам ҳаётдан кўз юмди, деб хабар беради РАТАТАСС. Маълумотларга қараганда, Харлоу шаҳрида юз берган мазкур бахтсиз ҳодиса турар жой биносида содир бўлган. Қурбонларнинг асарияти болалардан иборат. Мамлакат қутқарув хизматининг хабар беришича, яна бир бола ва она оғир аҳволда. Айна вақтда воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

• Италиялик ва испаниялик олимлар ҳамкорликда олиб борган тадқиқот ишлари натижасида маълум бўлишича, мунтазам қулупнай истеъмол қилиш кексайиш жараёнини сусайтиради. Хабарларга қараганда, қулупнай таркибидаги фойдали моддалар, шунингдек, руҳий зўриқтишдан ва турли касалликлар, жумладан, саратон, қандли диабет ва юрак хасталикларига чалинишдан ҳимоя қилади. Мутахассислар ушбу мева ҳар бир инсоннинг асосий овқатланиш тартибига киритилиши зарур, деб айтмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг

Учтепа туман босқичи ўтказилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

га бағишланган «Тил – миллат кўзгуси» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Шайхонтохур туман

бўлими томонидан тумандаги 141-мактабда «Она тили миллат руҳи» мавзуида ота-оналар иштирокида маънавий-маърифий кеча ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш борасида қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши танқидий таҳлил қилинди. Жорий йилнинг 9 ойида Ўзбек миллий автомагистралнинг умумий узунлиги 303 километр участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланганлиги қайд этилди. Узунлиги 73 километр бўлган «Жиззах — Булунгур» оптик-толали алоқа линиясини қуриш лойиҳаси амалга оширилди.

Мазкур масалани муҳокама қилишда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойларни ўз вақтида қуриш ва фойдаланишга топширишни таъминлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги учун Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Улар олдиға янги қишлоқ уй-жой муавелири жадал тартибда уй-жойлар ва зарур муҳандислик коммуникациялари қурилишини жадал тугаллаш таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Кун тартибиди доирасида мажлисда тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлиги ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани қишга гамлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, барча агротехника тадбирлари комплексининг ўз вақтида амалга оширилганлиги, суғориш сувидан оқилона фойдаланилиши, шунингдек, қишлоқ меҳнатқашларининг маҳорати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олиш имконини берди, шу жумладан, қарий 7,2 миллион тонна бошоқли дон ҳосили ва 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Ўзбекқумир» акциядорлик жамияти, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқларининг, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларининг 2012-2013 йилларнинг куз-қиш даврида ишлашга тайёрлиги ҳамда барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, газ етказиб берадиган ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, истеъмолчиларга табиий газ, қумир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши юзасидан уларнинг шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмида гамлашни тугаллашни тезлаштириш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асосиз ошиб кетишига йўл қўймасдан аҳоли эҳтиёжини барқарор ва ишончли қондириш учун куз-қиш даврида сақлашга кўйилган захиранинг савдога тизимли қўйлишини таъминлаш вазифаси юкланди.

Мажлисда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши ва аҳолининг, айниқса олин-

ган мутахассисликларига мувофиқ касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг бандлигини янада ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижалари ҳам кўриб чиқилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришга, оиланинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги қайд этилди.

Тизимли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида республикада 773 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 486 мингтадан ортиғи ёки 62,9 фоизи қишлоқ жойларда яратилди.

Барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг асосий эътибори янги иш ўринлари ташкил этишининг белгиланган параметрларини бажариши, шунингдек, жорий йилда касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан тўлиқ таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигига қаратилди.

Кун тартибидидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ҳамда келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўза)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноий жазони либераллаштиришга ҳам қаратилгандир. Хизмат кўрсатишдан, шу жумладан, улар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар тадбиркорлик ва бошқа тижорат тавakkалчиликлар муносабати билан ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган шартномаларга мувофиқ кредитлар беришдан иборат банк ва бошқа молия муассасалари ҳодимларининг ҳаракати жиноят ҳисобланмаслиги ҳақидаги норма киритилмоқда. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига ҳам ўзгартишлар киритиш тақлиф қилинмоқда. Унда устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсларга нисбатан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари мазкур юридик шахсининг мансабдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина кўзғатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Батафсил муҳокамадан кейин депутатлар билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини юкдилар.

Шундан кейин депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Фирма номлари тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тузатишлар киритиш тақлиф қилинган. Ушбу тузатишлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклашга қаратилган.

Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга (янги тахрирда) мувофиқ, тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қондабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишининг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш мuddатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт эканлиги тўғрисидаги норма киритилмоқда. Бундан ташқари, «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунга ҳам ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда. Бундан қўзланган мақсад — тадбиркорлик фаолияти субъектлари номларида фирма белгиларидан фойдаланишда турлича талқинларнинг олдини олишдан иборат. Тадбиркорлик субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган номларга ўхшаш бўлган номлари рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

Хар томонлама муҳокамадан кейин депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини топширдилар.

Қонун лойиҳаларининг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари савол ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ўз партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда мулоҳаза билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонун лойиҳалари мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши ва тадбиркорлик бундан буён ҳам ривожлантирилиши учун муҳим аҳамиятта эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Аxbлос Қонунчилик палатасининг мажлоси хизмати

ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Rieter AG» жаҳонда калта тукли ип йиғиришда фойдаланиладиган тўқимачилик техникаси ва эҳтиёт қисмлари бозорида етакчи компания ҳисобланади. У 1795 йилда Швейцариянинг Винтертур шаҳрида ташкил этилган бўлиб, тизимлар, машина ва технологияларни ихтиро қилади ва ишлаб чиқаради. Шунингдек, табиий, сунъий тола ҳамда уларнинг аралашмаларини қайта ишлаш бўйича хизматлар кўрсатади. «Rieter AG» ҳозирги мавжуд йиғирув-тайёрлов жараёнларини ҳамда тўртта якуний йиғирув жараёнини қамраб оладиган ягона етказиб берувчидир.

«Rieter Uzbekistan» хорижий тўқимачилик машинасозлиги корхонасини ташкил этишдан аввал «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва Швейцариянинг «Rieter AG» компанияси ўртасида музокаралар ва маслаҳатлар ўтказилди. Натижада 2011 йилда стратегик шериклик тўғрисида шартнома имзоланди ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда кейинчалик уларни Ўзбекистон бозорида маҳаллийлаштиришни кўзда тутадиган лойиҳани амалга ошириш ҳақида ҳужмат қарори қабул қилинди. Лойиҳани ҳаётга тағбиқ этишдан асосий мақсад мамлакатимиз енгил саноат корхоналарини миллий валютадаги рақобатбардос нархлар ва қўлай мuddатларда юқори технология ускуналар билан таъминлашдан иборат.



Сарвар Ҳасанов (оғра) олган суратлар

— Компаниямиз дунё бўйича олти асосий корхонага эга, — дейди «Rieter AG» бошқаруви раиси Петер Гнеги. — Шуниси эътиборлики, улардан бири Ўзбекистонда фаолият бошлади. Корхонанинг очилиш маросимиде иштирок этганимдан хурсандман, зеро, бу биз ва шерикларимиз учун гоаят муҳим воқеадир. Бу дастлабки босқич бўлиб, унга қарий 3,85 миллион доллар микдориде инвестиция йўналтирилди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида лентали ва тарок машиналарини, иккинчи босқичида ҳалқали йиғирув машиналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, учинчи босқичида металлга қайта ишлов бериш

ҳамда кукун билан бўяш цехларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватининг дастлабки навбати фойдаланишга топширилди ва бунинг натижасида 40 янги иш ўрни очилди.

Яна бир муҳим жиҳат — «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва «Rieter AG» компанияси ҳамкорлигини кенгайтириш жараёнида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ҳамда корхонанинг муҳандис-техник ҳодимлари ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА, Ўза мухбири

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мазкур қонуннинг мақсади республикамизда оилавий тадбиркорлик соҳасидеги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни ихтиёр этган оила аъзоларининг мулкий жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш орқали даромад олишига кафолат беради.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс мақомидаги корхонани ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли — оилавий корхонадир.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улуши ёки биргаликдаги мулкидан иборат бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг мол-мулки негизиде ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Бундай корхона фаолияти иштирокчиларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Зиммасидаги мажбуриятларига кўра ўзига тегишли барча мол-мулк билан қонун олдида жавоб беради.

Корхона иштирокчилари, фаолият тури учун зарур бўлган унинг ёлланма ҳодимлари умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ҳодимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда иштирокчиларнинг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги ҳам керак.

Ўз ўрнида оилавий корхона ўзининг тўлиқ ёки қисқартирилган номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишига ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи ва унинг тўлиқ номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ўз ичига олиши лозим. Қисқартирилган фирма номи эса унинг қисқартирилган номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ёки ОК аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, оила бошлиғи, болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилияти ёшга тўлган бошқа қариндошлари, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Бунда улар фақат муомалага лаёқатли бўлишлари талаб этилади.

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас. Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлишига ҳам йўл қўйилмайди.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пулли ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши мумкин. Маҳсулотни реализация қилиш у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилади.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий-безак санъати буюмларини реализация қилишдан олган жами тушуми қисмида ягона солиқ тўловидан озод қилинади. Бундай буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар оилавий корхонага тағбиқ этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ оилавий корхоналар халқ бадий хунармандчилиги ва кўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинандиган даромадларидан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилади.

Анвар АЗЛЯРОВ,

Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекцияси «Юридик шахсларга солиқ солиш» бўлими бошлиғи

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчилари йирик саноат корхоналари билан ўзаро шартнома асосида тадқиқотларни олиб боришмоқда. Энг самарали деб топилган илмий изланишлардан бир нечаси эса нуфузли илмий марказлар томонидан яхши баҳолалиб, Ўзбекистон ҳамда Россия Федерацияси патентлари билан тақдирланди.

Нисбатан кичик объектлар учун ноанъанавий, муқобил энергия манбалари қурилмалари нашрлари ҳам яратилди. Жумладан, энергетика факультетининг «Гидроэнергетика» кафедраси қурилмаси фермер хўжалиқлари энергетика таъминоти учун «қуввати 5 кгватча бўлган комбинацион энергетик мосламаларни яратиш ва ишлаб чиқиш» мавзусидаги изланишлар замонавий лойиҳа деб топилди.

Улар «Микро-ГЭС — Шамол энергетик қурилмаси», «Микро ГЭС — Қуёш ва шамол энергетик қурилмаси» юзага келди. Бундай қурилмаларнинг аҳамияти шундаки, улар фермер ва деҳқон хўжалиқларини электр энергияси билан таъминлайди ва уларга турли юмушларни бажариш имконини беради. Бу — университетда йўлга қўйилган таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг, шубҳасиз қувонarli натижаларидан бири деб эътироф қилишнинг моқда.

Аҳмад АББОСОВ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Экологик назорат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Мазкур давра суҳбатида вазирилик, идора, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари, экологик ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ташкил этишдан кўзланган мақсад – «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси доирасида учта асосий йўналиш бўйича масалаларни муҳокама қилишдан иборатдир. Асосий йўналишлар – экологик назоратнинг объект ва субъектларини аниқлаштириш, «Жамоатчилик назоратчилари» институтини шакллантириш, экологик назоратнинг барча кўринишларини амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмни мустахкамлашга қаратилган.

Соҳа вакиллари таъкидлашча, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 январдаги «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармойишига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақомақасининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури» асосида ишлаб чиқилган. Мазкур қонун лойиҳасининг масъул ижроچиси этиб Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тайинланган.

Амалдаги миллий қонунчиликда жамоат экологик назоратнинг механизми мавжуд бўлмай, у қисман қатор табиатни му-

ҳофаза қилиш қонунлари билан назорат қилинган. Хусусан, қонунчилик ҳужжатларида экологик назоратни ўз вақтида таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўз ҳаёти ва саломатлиги учун қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлашдек афзалликларни ҳисобга олинмаган. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги давлат назорати жараёнларида ҳам унга иккинчи даражадаги эътибор қаратилиб, натижада у ўзининг аниқ ечимини топа олмаётган эди. Шу муносабат билан фуқаролар ва ННТнинг ҳуқуқларини амалга оширувчи, ҳолис экологик назоратни, шунингдек, табиатдан фойдаланувчилар томонидан ўзини ўзи назорат қилишни таъминловчи янги ҳуқуқий механизмларни ташкил этишни кўзда тутувчи «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экологик ҳуқуқ бўлими бошлиғи Тимур Тилляевнинг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик Давлат санитар-эпидемиологик назорати бош бошқармаси бош шифокор ўринбосари Баҳодир Ахунджановнинг «Экологик назорат объекти ва аҳоли саломатлиги ҳолати» ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Тадбир якунлари бўйича ҳамда халқаро тажриба ва миллий амалиётни ҳисобга олиб, ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 23 йиллигига бағишланган «Тил — миллат кўзгуси» мавзuida адабий-бадиий, маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда олимлар, профессор-ўқитувчилар, адабиёт, санъат ва маданият намояндлари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида она тилимизни асраш ва ривожлантириш, давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш борасида амалга оширилаёт-

ган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Аждодларимизнинг бой тафаккури ва дунёқараш маҳсули бўлган тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустахкамлаш, унинг бойлиги ва имкониятларини кенг намойиш этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш бо-

расида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Унлаб луғатлар, мумтоз адабиётимиз намуналари нашр этилгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида тил ва адабиёт, нутқ маданияти каби фанлар негизда ёшларга бу йўналишда чуқур билим берилмоқда. Тилшунослик, шеърят кечалари, етук санъаткорлар, олимлар, ижодкорлар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар талабаларнинг назарий билимини амалий кўникмалар билан бойитиш, ижодий аъёнлар бардаволини таъминлаш, ёшларимизнинг истеъдодини юзага чиқаришда муҳим омили бўлмоқда.

Тадбирда мумтоз адабиётимиздан намуналар ўқилди. Ватанимиз ва она тилимизни улугловчи куй-қўшиқлар янгради.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



КОМПЬЮТЕРДАН ЯНГИ ЖУРНАЛ

Ахборот коммуникация тармоқлари ҳафталиги доирасида бир неча йўналишда кўргазмалар ташкил этилди. Мамлакатимизда чоп этила бошланган «Мегабюте» номи журнал ҳам ушбу кўргазмадан ўрин олди.

— Мазкур матбуот нашри 12-25 ёшлардаги мактаб, академик лицей ҳамда касб-хуна коллежлари ўқувчилари, талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бир ойда бир марта, 32 саҳифада чоп этилмоқда, — дейди журнал бош муҳаррири А.Садритдинов. — Унинг саҳифаларида компьютер технологиялари, компьютер техникаси ва дастурий таълим, интернет тармоғи ёритилмоқда. Шунингдек, мобил алоқа, замонавий технологиялар каби қатор мавзулар бериб борилади.

Ижодкор ва муаллифларнинг аксарият қисми коллеж ва олий ўқув юртида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам журнал саҳифаларида босилаётган мақолалар содда ва тушунарли тарзда ёритилаётди.

Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид билимларини ошириб бориш, компьютер ва интернет фақат ўйин ва мулоқот усулигина эмас, билим олиш каби маҳоратни оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Ақбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

I. Аукцион савдосига Ҳамза туман СИБ томонидан 12.03.2012 йилдаги 2-29/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган:

1. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 001530 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 378 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002403 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 403 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002405 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 389 000 сўм. 4. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002228 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 640 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002402 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 481 000 сўм. 6. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002399 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 633 000 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002401 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 328 000 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002398 бўлган «Ваз-21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 360 000 сўм. 9. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002443 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 721 000 сўм. 10. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002438 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 046 000 сўм.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Республика Суд Департаменти томонидан 05.03.2012 йилдаги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган:

1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 AZ 010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 767 САА бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 321 000 сўм.

II. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган:

1. 13.08.2012 йилдаги 1178/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 955 WAA бўлган «Шевролет Нива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 956 000 сўм. 2. 13.08.2012 йилдаги 1178/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 867 WAA бўлган «Киа Оптима» русумли автотранспорт во-

ситаси. Бошланғич нархи 28 556 000 сўм. 27. 06.03.2006 йилдаги 1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. М 45-43 бўлган «Волга ГАЗ-31105-120» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 187 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 22 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-ўйда ўтказиладиган. Талабдорлар диққати! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Аgro sanoat mulk markazi» МЧЖ нинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказишига бир кун қолганда, соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-ўй. Тел: 250-83-29.

ОКТАБРА 12 ОКТЯБРА

ПЛК МАРОТАВА! ВПЕРВЫЕ!

ОКЕАНАРИУМ YULDUZLARI ЗВЁЗДЫ ОКЕАНАРИУМА

ДЕНЗИ ШЕРЛАРИ, МОРИЛАРИ ВА ДЕНЗИ МУШУКЛАРИ

МОСКВА АТФ МЧЖ И КОТИКИ

244-32-23 244-35-91(94)

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман суд ижрочилар бўлими томонидан такроран савдога қўйилган: Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 23 августдаги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Каримов кўчаси, 5-ўйда жойлашган, «VAZIR-D» МЧЖга тегишли, умумий майдони 34 577 кв.м., бўлган 12 та бино, 2 та бинонинг бир қисми, 6 та иншоотлардан иборат бўлган завод.

Бошланғич нархи – 2 415 883 712 сўм 10 тийин.

2. Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилар бўлими томонидан арзонлаштирилган нархда такроран савдога қўйилган: Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Юнусобод туман судининг 2011 йил 26 июлдаги 406/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Л.Толстой кўчаси, 3-ўй, 9-хонадонда жойлашган, умумий майдони 72,86 м.кв. бўлган 3 хонали уй-жой.

Бошланғич нархи – 83 784 017 сўм 85 тийин.

3. Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилар бўлими томонидан арзонлаштирилган нархда такро-

ран савдога қўйилган: Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 26 октябрдаги 2-106-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 33/6-ўйда жойлашган, умумий майдони 260,50 м.кв., яшаш майдони 31,92 м.кв. бўлган, таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланмаган уй-жой.

Бошланғич нархи – 539 949 600 сўм.

Ушбу кўчмас мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 20 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

1. Сергели туман суд ижрочилар бўлими томонидан савдога қўйилган: Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Яққасарой туманлараро судининг 2012 йил 1 майдаги 1-1198/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Кўйлик-5 даҳаси, 73-ўй, 11-хонадон, умумий майдони 38,3 кв.м., яшаш майдони 17,06 кв.м. бўлган, 3-қаватда жойлашган бир хонали уй-жой.

Бошланғич нархи – 21 500 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулкнинг аукцион савдоси 2012 йил 20 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабдорлар диққати! Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 5 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланғичига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истағида бўлган талабдорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган заклат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖ нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-ўй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Спорт янгиликлари ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА БОРИШАДИ

**Мухлисларга маълумки,
27 октябрдан Бразилияда
дзюдо бўйича жаҳон
чемпионати мусобақалари
бошланади.**

Курраи заминнинг олтишдан ортик мамлакатидан ушбу нуфузли турнирга ташриф буюрадиган спортчилар қаторида ўзбекистонлик дзюдочилар ҳам турли вазн тоифаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллашни ният қилиб кўйган дзюдочиларимиз тайёргарлик машғулотларининг якуний босқичини Тошкентда ўтказишади.

Унда Тошкент шахри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятларнинг энг сара полвонлари турли вазн тоифаларида голиблик учун кескин ва мурасасиз кураш олиб боришади. Ҳозирда ушбу биринчиликда қатнашиши лозим бўлган спортчилар ўқув-йиғин машғулотларига зўр беришган.

Дарвоқе, мамлакат биринчилигида ўз вазн тоифаларида голиб ва совриндор бўлган полвонлар орасидан Ўзбекистон терма жамоасига номзодлар саралаб олинади. Чунки келгуси

**Футбол бўйича 2014 йилда
Бразилияда уюштирилладиган жаҳон
чемпионатига саралаш турнирининг
тўртинчи босқич гуруҳ баҳслари
14 ноябрда бўлиб ўтади.**

ҲАКАМЛАРГА ИШОНЧ

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси аввалги турда сафарда қатарлик чарм тўп усталарини 1:0 ҳисобида мағлуб этганлигидан барчанинг хабари бор.

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг навбатдаги учрашувида Миржалол Қосимов шогирдлари Техронда Эрон миллий терма жамоаси меҳмони бўлишади. Ҳозирда турнир жадвалида Жанубий Корея ва Эрон еттидан очко жамғариб биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб туришган бўлса, ҳамюртларимиз беш очко билан учинчи ўринда боришмоқда. Шу боис ҳам сафарда эронликларга қарши кечадиган баҳсда ҳамюртларимизга галаба жуда зарур.

Ушбу муҳим беллашуви Бирлашган Араб Амириклари фуқароси, ФИФА рефериси Али ал-Бадавий бош ҳакам сифатида бошқаради.



Мухаммад Амин (ўрта) олган сурат

ТЕРМА ЖАМОАГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНАДИ

**Пойтахтимизда ноябрь ойида эркин ва юнон-рум кураши бўйича
Ўзбекистон чемпионати мусобақаси старт олади.**

йилда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этиладиган халқаро нуфузли турнирларда

Ўзбекистон полвонлари ҳам иштирок этишади.
Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**Пойтахтдаги тасвирий санъат
галереясида Ўзбекистон халқ
рассоми Акмал Икромжоновнинг
60 йиллик таваллуд айёмига
бағишланган «Замон ва тақдир»
кўргазмаси бўлиб ўтди.**

ЎЗАЛЛИКНИ ИЛФАГАН НИГОҲ

Рассомни тасвирланаётган қахрамоннинг нафақат ташқи қиёфаси ўхшашлиги, балки композиция тизимига кирувчи «сўловчи» деталлар ёрдамида аниқланувчи ички дунёси қизиқтиради. Портрет асарлари орқали рассом ўз замондошининг кўп асрлик маданият ва аънаналарга яқинлигини ифодалашга интилади.

Рассом учун табиат дунёси ҳам ўзига хос қизиқиш уйғотади. Бу мавзуга бўлган қизиқиш 1980 йилларда рассомнинг Сурхондарё вилоятига қилган сафаридан бошланади. Бу даврда Икромжонов ижодига жиддий ўзгаришни сезишимиз мумкин: унинг асарларидан ранглар мусиқаси янграй бошлади, инсонни ўзига мафтун этувчи ёрқин колорит асарларнинг фарқи жиҳатларидан эди. Бунда рассом ўзи учун табиат ва инсонлар, уларнинг яшаш шароити ва кундалик ҳаётидаги мафтункорликни ўзи учун кашф этди. Натижада Сурхондарё ўлкасига бағишланган туркум асарлар яратилди.

80-йилларнинг мураккаб ижтимоий муҳити, ижтимоий соҳадаги сезиларли ўзгаришларнинг содир бўлишини олдиндан сеза билш, рассом ижодига қандайдир ички кескинликни олиб кирди. Бу даврга оид туркум асарларда мавзу ва тасвирнинг маҳобатлашувига интилиш сезилди. Бунда рассом қиёфаларнинг улғуворлигига диққатини қаратиб, ўз матоларини фалсафий мазмунга тўлдирди.

1990 йилларда рассом ижодининг янги босқичи бошланади. Бу йиллар аввалгилари каби янги мавзуларни излаш, аллегорик ва рамзий оҳангларни кучайтириш, образларнинг маҳобатлашувига интилиши билан характерли.

Рассом ижодининг яна бир жиҳати унинг натюрморт жанрида ҳам сермаҳсул ижод қилишидир. Унинг натюрмортларида «кичик голландлар»нинг маҳорати билан танишувидан кейинги улкан ижодий тажриба акс этган. А.Икромжоновнинг асарлари инсон қалбига илқ ҳиссиётлар ва юксак фикрларни вужудга келтиради. Муаллиф ўз ижоди билан ўзгалликни миллий ва умуминсоний эстетик қадриятларнинг ифодаси сифатида намоён этади. Ўзбекистон рассомлари ичида Акмал Икромжонов академик таъмоилларга содиқ қолиб, миллий колорит ва оҳангларга тўла асарларни яратувчи энг ёрқин намоёндалардандир.

Кўргазма 18 ноябргача давом этади.
Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ва нафақадаги яққа-ёлғиз, кам таъминланган кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга, фаол ва фахрийларга хизмат қилади. Ташкилотнинг 71 446 та аъзолари бўлиб, улардан 2 790 таси жамият фаоллари ва 3095 таси кўнгилчилардир. Шу билан бирга аҳолининг фавқуллод вазиятларга тайёргарлик кўришга муносабат билдириш, дастлабки шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатишда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳам етакчилик қилмоқда.

Тадбирда Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшларни маънавий салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Бугунги кунда ташкилот темир йўл тизими тасарруфидаги Тошкент

МУРУВВАТ КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

**Тошкент темир йўл муҳандислиги институтида Ўзбекистон
Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти
ташаббуси билан 2012-2013 ўқув йилининг 1-босқич
талабаларини жамият аъзоллигига волонтер бўлиб қабул
қилиниши муносабати билан «Мурувват кўнгилдан
бошланади» шиори остида маданий-маърифий тадбир
бўлиб ўтди.**

темир йўл муҳандислиги институти, Тошкент, Самарқанд ва Қўқон транспорт касб-хунар коллежлари, Миробод академик лицейи билан ҳамкорлик режасини имзолаган, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти ташкилий бўлим бошлиғи Феруза Орипова. — Ҳозирда 10 мингдан зиёд талаба-ёшлар ташкилотнинг аъзоси саналади. Жамият салоҳиятини ривожлантиришда ёшлар ўртасида кўплаб илмий-амалий семинарлар, учрашувлар

ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Тадбирда 1-босқич талабаларини жамият аъзоллигига қабул қилиниши муносабати билан мурожаатнома ўқиб эшиттирилди. Ташкилотнинг волонтерлари томонидан «Мурувват кўнгилдан бошланади» шиори остида тайёрлаган махсус дастур, эл севган санъаткорлар ижросидаги дилтортар куй ва қўшиқлар барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«101»

БЕПАРВОЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТЛАРИ

**Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида
Юнусобод тумани ҳудудидаги аксарият
ёнгинлар оловдан унумсиз фойдаланиш
орқали содир бўлди.**

Аҳоли турар жойларида юз бераётган ёнгинлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамокдалар. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида Юнусобод туманида 155 та ёнгин содир бўлган. Биргина 2012 йилнинг сентябрь ойида бу кўрсаткич 18 тани ташкил этган. Ёнгиндан етказилган моддий зарар миқдори 9 ой мобайнида 64 655 461 сўмдан иборат бўлди. Бепарволик ва лоқайдлик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик қанчалар ачинарли ҳолатларга олиб келади, инсонларнинг ҳаётига жиддий хавф солади, бир инсон ёки кичкинтой гўдакнинг ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Тўғри, ёнгинни бартараф этиш, аввало, ўт ўчирувчиларнинг вазифаси. Бирок, унинг олдини олиш-чи? Ахир, бу сизу бизнинг бурчимиз эмасми? Шундай экан, бепарволикни бир чеккага суриб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиб ёнгин келиб чиқмаслиги учун олдиндан чоралар кўриб қўйсак, нур устига нур бўлади.

Юнусобод тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими

**Олимларнинг фикрича, жўхори
попутини истеъмол қилган инсон рак
касалига бошқаларга нисбатан камроқ
чалинар экан. Уларнинг фикрича,
жўхори попути таркибидаги магний
ҳар хил рак ўсмаларининг пайини
қирқар экан.**

Биласизми...

ЖЎХОРИ ПОПУТИНИНГ ФЙДАЛИ ХИСЛАТЛАРИ

Жўхори популари етилиб пишишдан аввал — август, сентябрь ойларида узиб олинса, уларнинг таркибидаги В гуруҳига тегишли витаминлар — Д, Е, К, С, РР сақланиб қолади. Мана сизга тайёр дорихона. Популдан тайёрланган дамламалар жигар, юрак ишларидан, буйракдаги тошларни суришда ва нефритда ёрдам беради.

Дамламани тайёрлаш учун ушбу табиий ўтдан 1 ош қошиқ олиб 1,5 стакан қайнатиб совутилган сувга солинади ва у 1 соат давомида паст оловда қайнатилса ҳамда совугандан кейин сузиб олиб 1-2 ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичсангиз сафро ҳайдашга ёрдам беради.

Ўт пуфагидаги тошларни тушириш учун 3 ош қошиқ ўт ва 200 мл сувдан тайёрланган дамламани ичиш фойдали.

Жўхори популарини асал билан истеъмол қилсангиз ўпка силени даволашда ёрдам беради. Яна шуни айтиш кераки, жўхорининг ёғи қондаги холестеринни камайтиради.

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИД ДОМО БИЛУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Одамлар ўз сирларини жон-жаҳдлари билан яширадилару бошқаларникини сахийлик билан ҳаммага ёйдилар.

Нодон ўтмишдан сабоқ олмайди, келажакни ўйламайди — у фақат бугун билан яшайди.

Нодоннинг ҳатто ҳақиқати ҳам ўз зиёнига ишлайди.

Йўқотиш ҳамиша аламли.

Ҳаётда ҳаммаси акс: истаганингга интилиб етолмайсан, истамаганинг оёғининг остидан чиқаверади.

Хотиржам бўлмагунингча ишинг унмайди.

Ҳам бахт, ҳам давлат камдан-кам ҳоллардагина бирга бўлади.

Кундалик ташвишлардан баланд кўтарилолмаган улғу бўлолмайди.

Бировнинг бошига иш тушса, бириридан суюнчи оладиган кўпаяди.

Одамлар яхшиликка бош кўшишмасам ҳам, ёмонликда бир жону бир тан.

Душманнинг очиқ хужумидан дўстнинг яширин ҳамласи ёмон.

Душманлик кўпинча биз сира кутмаган томондан келади.

Бизни кўпинча шубҳаланиш хаёлимизга ҳам келмайдиган кишилар чув тушириб юришади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси туман автокорхоналарининг чиқинди ташувчи махсус автотранспорт воситалари учун 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ҳайдовчи ҳамда юк ортувчиларни ишга таклиф этади.


Иш шароити сменали.
Ўртадан ойлик маош ҳайдовчилар учун 800 минг сўм, юк ортувчилар учун 700 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма автокорхоналарига аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вазифасига ҳам ишга таклиф этади.

Ойлик маош: муқофотли-ишбай.

Маълумот учун телефонлар: 247-45-56, 247-25-99, 247-02-11, 247-06-70.

Манзил: Учтепа тумани,
Бекобод Санаят зонаси.



Тошкент шаҳрида 23 октябрда ҳаво ўзгаришлари мониторинг бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илқ, кундузи — 19-21 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити моддаларининг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз кўтайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Газетанинг навбатдаги сони 24 октябрда чиқади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1041

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4858 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун маъсул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50